**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DsC.27.06.2017.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТУРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АКБУТАЕВ АЛИШЕР МИЛТИКБАЕВИЧ

ДИФФУЗ ТОКСИК БЎҚОҚНИ ТОТАЛ ВА СУБТОТАЛ ТИРЕОИДЭКТОМИЯ УСУЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИНГ ЯҚИН ВА КЕЛГУСИДАГИ ОҚИБАТЛАРИ

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

УДК: 616.441-008.61-089.87

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Акбутаев Алишер Милтикбаевич
Диффуз токсик бўқоқни тотал ва субтотал тиреоидэктомия усули билан даволаш натижаларининг яқин ва келгусидаги оқибатлари 3

Акбутаев Алишер Милтикбаевич
Ближайшие и отдаленные результаты тотальной и субтотальной тиреоидэктомии у больных с диффузным токсическим зобом 15

Akbutaev Alisher Miltikbaevich
Short and long-term results of total and subtotal thyroidectomy in patients with diffuse toxic goiter 27

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати
Список опубликованных научных работ
List of published scientific works …….....…….....……...….. 31

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DsC.27.06.2017.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТУРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АКБУТАЕВ АЛИШЕР МИЛТИКБАЕВИЧ

ДИФФУЗ ТОКСИК БЎҚОҚНИ ТОТАЛ ВА СУБТОТАЛ ТИРЕОИДЭКТОМИЯ УСУЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИНГ ЯҚИН ВА КЕЛГУСИДАГИ ОҚИБАТЛАРИ

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib19 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.tma.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Исмаилов Сайдиганиходжа Ибрагимович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Шагазатова Барно Хабибуллаевна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Худайберганов Шухрат Нурматович тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____»_____ куни соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25,
e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25.)

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Нажмутдинова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори,

профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Диффуз токсик бўқоқ (ДТБ) – қалқонсимон безнинг (ҚБ) аутоиммун хасталиги. У ирсияти бўйича мойиллиги бор шахсларда ривожланиб, ҚБнинг диффуз катталашуви ва гиперфункцияси билан, шунингдек, тиреоид гормонларининг ўта кўп ишлаб чиқарилиши оқибатида барча аъзолар ва тизимларни қамраб олувчи токсик ўзгаришлар билан кечадиган жараён сифатида тавсифланади. Турли тиреопатияларнинг умумий учраш даражаси, хатто ноэндемик ҳудудларда ҳам умумий касалланишнинг 20% ини ташкил қилмоқда. Эндемик ҳудудлара эса бу кўрсаткич 50% дан ошади. Дунё бўйича «...эндокрин касалликлар сонининг ўсиши билан бир қаторда, ДТБнинг учраш даражаси ҳам ошиб бормоқда»[1]. Шу сабабли ҳолатни критик баҳолашда, ўзига хосликни аниқлаш ва унинг маҳаллий ечими, асосийси, касаллик асоратларининг олдини олиш чора-тадбирлари, эрта ташхислаш ҳамда даволашнинг самарали усулларини аниқлашда ДТБ билан оғриган беморларни жарроҳлик усули билан даволаш натижаларининг яқин ва келгусидаги оқибатларини баҳолаш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда ДТБнинг атипик кўриниши ва клиник симптомларининг йўқолиши, кўпинча кеч ташхис ва ушбу патологиянинг узоқ муддатли, самарасиз даволанишига тегишли қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Диффуз токсик бўқоқда беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши ва касалликдан ўлим кўрсаткичининг камайиши асоратлар турига ва оғирлик даражасига ҳамда хавф омилларини аниқлашга боғлиқ ҳисобланади. Бу борада жарроҳлик асоратлари учраши ва уларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш долзарб ҳисобланади. ДТБни даволашда жарроҳликдан кейинги асоратларнинг олдини олиш ва тотал ёки субтотал оператив усулнинг қўлланилиши мунозараларга сабаб бўлганлиги учун жарроҳлик натижаларини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, эндокринологик касалликларни камайтириш борасида 2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида «... эндокрин касалликларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш ва аҳолини профилактика тадбирлари билан қамраб олиш бўйича вазиятни тубдан яхшилаш...»[2]га, ижтимоий ва тиббий хизмат сифатини ошириш, давлат ҳимоясига муҳтож бўлувчи эндокрин касалликлар билан касалланишни камайтиришга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш

[1]Ross DS et al. 2016 American Thyroid Association Guidelines for Diagnosis and Management of Hyperthyroidism and Other Causes of Thyrotoxicosis // Thyroid. Volume 26, Number 10, 2016

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 майдаги ПҚ-4295-сон «2019-2021 йилларда Республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори.

чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда бугунги кунда диффуз токсик бўқоқни даволаш усулини танлаш мутахассисларнинг мажбуриятлари ва муайян даволаш усулини қўллашда уларнинг тажрибаси, миллий, эндокринологик ва жарроҳлик мактабларининг хусусиятлари, муайян тиббиёт муассасасининг имкониятлари, шунингдек, беморнинг жинси, ёши, хоҳиши ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ (Donovan P.J. et al, Piantanida E et al). Ҳозирги вақтда ДТБ учун 3 умумий қабул қилинган даволаш усули мавжуд: фармакологик, радиометаболик, жарроҳлик (Douglas S. R. et al, 2016). Медикаментоз даволаш самарадорлиги бўйича ўз мақомини йўқотиб бормоқда ва у беморларнинг 20–30% ида самарали эмас ва беморларнинг 50-60% ида медикаментоз даволаш тугаганидан кейин бир мунча вақт ўтгач рецидив содир бўлади. (George J.K., 2018). Тиротоксикоз учун радиойодтерапия ҳозирги вақтда гипотиреоз ривожланганидан бир неча йил ўтгач (деярли 100% ҳолларда) муқаррар бўлишига қарамасдан самарали ва хавфсиз даволаш усули ҳисобланади (Wong K.K., 2018). Жарроҳлик усули беморни тиротоксикоз компенсациясининг энг тезкор самарасини таъминлаб, ДТБни даволашда муҳим ўрин тутади (Bartalena L., 2016). Оператив даволанишнинг кенг тарқалишига, унинг радикаллиги ва патологик жараённи тезда бартараф этишига қарамасдан, бу усул касалликнинг такрорланишини истисно қилмайди ва етарлича юқори фоизни ташкил этади (Henry B.B., 2015). Жарроҳлик даволашнинг соф техник масалалари билан бир қаторда, қалқонсимон без резекциясининг оптимал ҳажмини танлаш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда, бу патологик ўчоқнинг радикал талабларига ва нормал тўқималарга нисбатан хавфсизлигига жавоб беради (Bojic T., 2015).

Ўзбекистонда диффуз токсик бўқоқни даволаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Тиреотоксикоз бўлган беморларда қалқонсимон без кенг резекциясидан ва реимплантациядан сўнг иммуннологик параметрларнинг динамикаси (Абдурахманов Ш.М., 2007); диффуз токсик бўқоқни жарроҳлик усули билан даволаш натижаларининг келгусидаги оқибатлари (Хамидов Ф.Ш., 2007); диффуз токсик бўқоқ бўлган ўсмирларда руҳий ва эндокрин бузилишларни ўрганиш (Муратова Ш.Т., 2016, 2017); диффуз токсик бўқоқ бўлган беморларнинг консерватив даволашдан кейин ҳаёт сифатини баҳолаш (Убайдуллаева Н.Б., 2017) борасидаги изланишларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Илмий адабиётлар маълумотлари ва тадқиқотлар таҳлилига кўра, диффуз токсик бўқоқни даволашда жарроҳлик амалиётининг (тотал ёки субтотал тиреоидэктомия) яқин ва келгусидаги натижаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Тотал ва субтотал тиреоидэктомия усуллари қўлланилганда асоратларнинг келиб чиқиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар, асоратларнинг оқибати бўйича кўплаб ечилмаган муаммолар мавжуд. Шундан келиб чиқиб,

ДТБни оператив йўл билан даволаш ва унинг натижалари ҳамда асоратлари ривожланишига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш беморни оптимал менеджмент имкониятини беради. Бу ўз навбатида, мазкур масалага йўналтирилган тадқиқотларни давом эттириш заруриятини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ишлари академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази лойиҳаси доирасида АДСС 12.1-сонли «Йод танқислиги ҳолатларини ва қалқонсимон без касалликларининг клиник шаклларини даволаш ва олдини олиш усулларини оптималлаштириш» амалий лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тотал тироидэктомия (ТТ) ва субтотал (Dunhill) операциясидан сўнг ДТБ (1, 5 ва 10 йил) учун яқин ва узоқ муддатли даволаш натижаларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ДТБда қалқонсимон без аутотрансплантацияси ва аутотрансплантациясиз тотал ва субтотал (Dunhill операцияси) тиреоидэктомиянинг операциядан кейинги эрта ва олис асоратлари (1; 5 ва 10 йил) фоизини аниқлаш;

операциядан кейинги турли даврларда (1; 5 ва 10 йил) гипотиреоз даражасига қалқонсимон без аутотрансплантатнинг таъсирини баҳолаш;

трансплантатга боғлиқ рецидивлар сони ва ривожланишига аутотрансплантат таъсирини баҳолаш;

операциядан кейинги турли муддатларда (1; 5 ва 10 йил) қалқонсимон без аутотрансплантацияси ва аутотрансплантациясиз ўтказилган Dunhill операцияси ва тотал тиреоидэктомия гуруҳларида узоқ муддатларда тиреоглобулин (ТГ), тиреопероскидаза (ТПО) тиреотроп гормон (ТТГ) рецепторларига аутоантителолар таъсирини аниқлаш;

аутотрансплантат функционал ҳолатига, ТТГ рецепторларига ТПО, ТГ аутоантителолар таъсирини баҳолаш;

ДТБ жарроҳлик усулида даволашда оператив муолажалар ҳажмини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий маркази эндокрин жарроҳлик бўлимида операция қилинган 16 ёшдан 75 ёшгача бўлган 1260 нафар беморнинг ретроспектив маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг касаллик тарихи, амбулатор карталари, ўтказилган операцияларнинг протокол журналлари, тиреоид гормонлар, ТТГ рецепторлари, ТПО, ТГ аутоантителолар, кальций, холестерин миқдорини аниқлаш учун қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун умумий клиник, биокимёвий, радиоиммунологик, радиологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ДТБни рецидиви ва операциядан кейинги гипотиреознинг (ОКГ) ривожланиши жарроҳлик муолажа ҳажмига боғлиқ бўлиб, қалқонсимон без

тўқималарини интраоперацион аутотрансплантациясига (ҚБИА) боғлиқ бўлмаслиги аниқланган;

тотал тироидектомияни ҚБИА ёрдамида амалга оширганда ДТБнинг трансплантатга боғлиқ рецидив ривожланмаганлиги аниқланган. ДТБ қайталанишининг ривожланиши жарроҳлик амалиёти ҳажмига боғлиқ бўлиб, қалқонсимон безнинг интраоперацион аутотрансплантациясига боғлиқ эмаслиги исботланган;

ТТ, ТТҚБИА, Dunhill ва Dunhill операцияларини ҚБИА билан амалга ошираётганда ТТГ рецепторлари, ТПО ва ТГ антитаначаларининг кўпайиши қалқонсимон тўқима қолдиғига боғлиқ бўлиб, қалқонсимон без интраоперацион аутотрансплантациясига боғлиқ эмаслиги исботланган;

ТТГ рецепторлари, ТПО ва ТГ антитаначаларининг титрларига жарроҳлик муолажа усули таъсир қилмаслиги ва антитаначалар титрининг юқори миқдори қалқонсимон без қолдиғига боғлиқ бўлганлиги аниқланди;

операциядан сўнгги гипотиреозни ёки рецидив ривожланишнинг олдини олиш мақсадида қалқонсимон без интраоперацион аутотрансплантацияси муолажасининг ўтказилиши ўзини оқламаган ва профилактик хусусиятларга эга эмаслиги исботланган;

операциядан кейинги ДТБ қайталанишининг ва гипотиреоз ривожланишининг сабаблари аниқланган;

Dunhil ва Dunhill операцияси ҚБИА билан ўтказилганда ТТГ рецепторлари, ТПО, ТГ аутоантитаначалар титрининг ошиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диффуз токсик бўқоқ бўлган беморларни жарроҳлик даволаш натижалари эндокрин жарроҳлар ишини режалаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган;

тотал тироидектомия – диффуз токсик бўқоқ бўлган беморларнинг жарроҳлик амалиёти ҳажми аниқланган;

қалқонсимон безнинг аутотрансплантацияси операциядан кейинги гипотиреознинг олдини олиш усули сифатида ўзини оқламаганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғри эканлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, клиник, клиник-биокимёвий, гормонал, инструментал ва статистик усулларнинг етарлича беморларда ўтказилгани, олинган маълумотлар замонавий статистик усулларда ҳисобланган R корреляция коэффициенти, Стьюдент (t) критерияси, Фишер критерияси, стандарт хатолик даражаси билан ўрганилгани ва халқаро ҳамда минтақавий изланиш натижалари билан таққосланган, диффуз токсик бўқоқни тотал ва субтотал тиреоидэктомия усули билан даволаш натижаларининг яқин ва келгусидаги оқибатлари, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ДТБни жарроҳлик усули билан даволашдан келиб чиққан яқин ва келгусидаги оқибатлар тўғрисидаги маълумотни кенгайтирганлиги, қалқонсимон без интраоперацион аутотрансплантацияси бажарилиши операциядан кейинги гипотиреоз кўрсаткичининг пасайишига олиб келмаганлиги ва қайталаниш кўрсаткичига таъсири йўқ эканлиги

асосланган билан изоҳланади. Dunhill ва ТТ операцияларида қалқонсимон безнинг натив интраоперацион аутотрансплантацияси ДТБ рецидиви ривожланишига таъсири аниқланмади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диффуз токсик бўқоқ учун жарроҳликнинг оптимал миқдори аниқланган ва операциядан кейин умрбод гормонал терапия белгиланган. Операциядан кейинги гипотиреоз жарроҳликнинг асорати эмас, балки режалаштирилган операция натижаси сифатида кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқот ишининг амалий аҳамияти беморларни узоқ вақт олинган натижалар билан мониторинг асосида кузатиш, касаллик асоратларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш натижасида беморлар турмуш сифатининг яхшиланиши ва умрининг узайиши билан ҳам изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диффуз токсик бўқоқ бўлган беморларда умумий ва субтотал тироидектомиянинг яқин ва узоқ оқибатларини баҳолашдан олинган натижалар асосида:

«Грейвс касаллиги бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 8н-р/416-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома диффуз токсик бўқоқли беморларни жарроҳлик даволашни оптималлаштириш ва беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш имконини берган;

диффуз токсик буқоқ билан касалланган беморларда умумий ва субтотал тироидектомиянинг яқин ва олис натижаларини ўрганиш Самарқанд вилоят эндокринология диспансери ва акад. Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИЭИАТМ Қашқадарё филиали клиник амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 декабрдаги 8 н-з/214-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини клиник амалиётга жорий этиш жарроҳлик аралашувига тайёргарлик вақтини қисқартириш, асоратларини ва ногиронлик ривожланиш хавфини камайтириш, умумий даволаниш муддатини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари чет эллик олимлар иштирокидаги 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Диффуз токсик бўқоқ бўлган беморларда тотал ва субтотал тироидектомиянинг яқин ва узоқ муддатли натижалари»** деб номланган биринчи бобида диссертациянинг долзарблиги, тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотларни кўриб чиқиш асосида адабиётлар таҳлили келтирилган. Дунё ва Ўзбекистон Республикасида диффуз токсик бўқоқни жарроҳлик даволаш муаммоси таҳлил қилинди. Ушбу бобда муаммонинг ўрганилиши, диссертация мавзусининг эндокринология марказининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, шунингдек, ушбу илмий ишнинг мақсади ва вазифалари ҳам ёритилган**.**

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи боби клиник материалларнинг умумий тавсифини, лаборатория ва статистик тадқиқот усуллари баёнини ўз ичига олади.

Тадқиқот республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасининг эндокрин хирургия бўлимида 1985-2010 йиллар мобайнида операция қилинган ДТБ мавжуд беморларнинг жарроҳлик даволаш натижаларини ўрганишдан иборат бўлиб, ушбу даврда 1260 нафар бемор операция қилинди, уларнинг касаллик тарихи, амбулатория карталари, 10 йиллик текширув даврига киритилган 557 нафар бемор операция журналлари маълумотлари ўрганилди.

Ушбу беморларга қуйидаги жарроҳлик аралашувлар ўтказилди: 1) тотал тироидектомия (ТТ), 2) ТТ ва қалқонсимон без натив тўқимаси билан интраоперацион аутотрансплантацияси (ТТҚБИА), 3) Dunhill операцияси, 4) маҳаллий тироид тўқималарининг интраоператив аутотрансплантацияси билан Dunhill операцияси.

Операциядан кейинги турли даврларда жарроҳлик даволанишдан сўнг мурожаат қилган 325 нафар беморда шикоят ва анамнез тўплаш билан бирга қуйидаги текшириш усуллари ўтказилди:

1. Объектив ва субъектив текширув: текшириш, пальпация.
2. Инструментал тадқиқотлар: ультратовуш текширувлар (УТТ), электрокардиограмма (ЭКГ).
3. Биёкимёвий текширувлар: қон зардобида холестерин, умумий кальций (Ca^{++}) ва фосфорни (Р), сийдикда Ca^{++} ва Р миқдорини аниқлаш.
4. Радиоиммун тадқиқотлар: T_3, T_4, свT_3, свT_4, ТТГ, анти-ТТГ, анти-ТРО, анти-Tg, паратгормон.

5. Радиологик тадқиқотлар: I^{131} сканирлаш ва ҚБ ни Tc^{99m} 10mCi сцинтиграфия.

ЎзР РИЭИАТМ эндокрин хирургия бўлимида кузатувда бўлган беморларга гипотиреоз ҳолатидан олдин овқатдан сўнг кунига 3 марта 5 мг дан 2 таблетка Метимазол (ёки Тиамазол) буюрилган. Кейин беморга кунига 2 маҳал 7 томчидан 14-30 кун давомида Люгол эритмаси (қалқонсимон бездаги қон айланишини камайтириш, операциядан кейинги даврда қон кетишини камайтириш учун), нейролептиклер, юрак гликозидлари, коронаролитиклар, витаминлар, камқонликда темир препаратлари буюрилди.

Жарроҳлик даволаш учун кўрсатмалар: бўқоқ бези ҳажми катталиги, тугунлари мавжудлиги, бўқоқ безининг кўкс оралиғи ўсиши, тиреостатик дори воситалари аллергик реакциялар, компрессион синдроми, бемор хоҳиши, тез-тез такрорланиб турувчи тиротоксикоз, бўқоқ бези ўсишининг давом этиши. Операция анестезиолог текширувидан сўнг ва жарроҳлик аралашувига қарши кўрсатмалар бўлмаганидан кейин амалга оширилди.

Олинган натижалар статистик қайта ишлови вариацион статистика усули ёрдамида амалга оширилган. Ўртача қийматлар ишончлилик даражаси Стьюдент мезони бўйича 95% ишончлилик чегарасида баҳоланган ($P<0,05$).

Диссертациянинг **«Шахсий текширув натижалари»** деб номланган учинчи боби 4 та параграфдан иборат. Биринчи параграфда ДТБ жарроҳлик муолажасининг яқин натижалари тақдим этилади, иккинчи параграф ТТ ва ТТҚБИАдан кейин ДТБ жарроҳлик даволанишнинг узоқ натижаларини ўрганишга бағишланган. Учинчи параграфда Dunhill операцияси ва ҚБИА билан Dunhill операциясидан кейин ДТБ жарроҳлик операцияларининг узоқ натижалари тасвирланган. Тўртинчи параграф ТТ, ТТҚБИА, ҚБИА билан Dunhill ва Dunhill операциясида, ҚБ натив тўқимаси билан аутотрансплантация ва аутотрансплантациясиз кейинги олис муддатларда ТТГ рецепторлари, ТГ, ТПО антителолар ва ТТГ миқдорларини баҳолашга бағишланган.

Тотал тиреоидэктомия ўтказган 458 нафар беморлар гуруҳида (ҚБ аутотрансплантацияси ва аутотрансплантациясиз) 5,4% ҳолатда (n=25) транзитор гипопаратиреоз, 0,4% (n=2) – турғун гипопаратиреоз (Труссо белгиси ижобий), 1,7% беморда (n=8) овоз бойламлари парези, 0,4% шахсда (n=2) овоз бойламлари параличи ва 0,4% ҳолатда (n=2) оператив ярадан қон кетиш кузатилди. Ушбу беморларга шошилинч тарзда рецервиотомия ўтказилди. ТТ ўтказилгандан сўнг 0,6% ҳолатда (n=3) асфикция белгилари кузатилганда трахеостомия муолажаси ўтказилди. Трахеостомик най олиб ташлангандан кейин 9 кунда операция яраси бирламчи чандиқ билан битди.

Dunhill операцияси ўтказган (ҚБ тўқимаси аутотрансплантацияси ва аутотрансплантациясисиз) 99 нафар беморда 4% ҳолда (n=4) транзитор гипопаратиреоз, 2% (n=2) – турғун гипопаратиреоз (Труссо белгиси ижобий), 3% беморда (n=3) овоз бойламлари парези, 1,4% шахсда (n=1) – овоз бойламлари параличи ва 1,4% ҳолда (n=1) ҚБ қолдиқ тўқимасидан қон кетиш асорати кузатилди. Ушбу беморларга шошилинч тарзда рецервиотомия ўтказилди. 0,6% ҳолатда (n=3) асфиксия белгилари кузатилганда трахеостомия муолажаси ўтказилди. 1 нафар беморда трахеотомик най 3-куни олиб ташланди. Фониатрда даволашдан 1 ойдан кейин операциядан кейинги овоз бойламлари апрези тикланди. Овоз бойламлари

параличи кузатилган беморларда ҳанузгача сақланиб қолган. Ушбу гуруҳ беморлари овознинг хириллаши, нутқнинг бузилиши, нафас олишнинг бузилишидан шикоят қилдилар. Транзитор гипопаратиреозли 16 нафар беморда консерватив даволашдан 2 ой ўтиб компенсацияга эришилди. Доимий гипопаратиреозли беморларда парақалқонсимон криоконсерваланган аллотрансплантацияси ўтказилди: 1 беморда – 4 марта, 1 беморда – 3 марта, 3 беморда – 2 марта, 3 беморда – 1 марта. ҚБ аллотрансплантацияси ўтказилган 3 нафар беморда биринчи муолажадан сўнг компенсация кузатилган бўлса, турғун гипопаратиреозли 5 нафар бемор ҳанузгача кальций препаратлари қабул қилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Жарроҳлик муолажалари ҳажмига мос ҳолда ДТБни оператив даволашдан кейинги эрта асоратлар

Эрта асоратлар	ТТ, ҚБИАТТ, n (%)	Dunhill операцияси, Dunhill операцияси + ҚБИА, n (%)
Транзитор гипопаратиреоз	25 (5,4)	4 (4)
Турғун гипопаратиреоз	2 (0,4)	2 (2)
Овоз бойламлари парези	8 (1,7)	3 (3)
Овоз бойламлари параличи	2 (0,4)	1 (1,4)
Трахеостомия	2 (0,4)	1 (1,4)
Қон кетиш	2 (0,4)	1 (1,4)

Транзитор гипопаратиреоз ва овоз бойламлари парези каби асоратлар беморлар ҳаёт сифатига таъсир кўрсатмаса, доимий гипопаратиреоз ва овоз бойламлари фалажлиги бутун умр давомида кузатув ва мос ҳолда даволашни талаб этади. ТТ ва ТТҚБИАдан кейинги ДТБ рецидиви беморларда кузатилмади. Операциядан кейинги гипопаратиреоз (ОКГ) барча беморларда аниқланди. ДТБнинг йўқлиги ва ОКГ ривожланиши оператив муолажалар ҳажмига боғлиқ бўлди.

ТТҚБИА процедурасининг бажарилиши кейинги ва узоқ вақт давомида операциядан кейинги даврда гипотиреознинг ривожланиш частотасини камайтиришга қаратилган. ТТҚБИА ўтказишда ДТБнинг такрорланиши ҳеч қайси беморда ривожланмади. ТТ операциядан кейинги гипотиреоз 40 нафар беморда (22%) 5 йиллик кузатувдан сўнг ривожланган. 10 йиллик кузатувдан сўнг ТТ кейинги гипотиреоз 7,7% ҳолларда ривожланган (n=14). 1 йиллик кузатувдан сўнг ТТҚБИАдан кейин 19,3% беморларда (n=11) ОКГ кузатилган, 5 йиллик кузатувда 8 нафар беморда (14 %) ва 10 йиллик кузатувда 21% ҳолатларда (n=21) ОКГ ривожланган. ДТБ ретсидиви аниқланманлиги, жарроҳликдан кейин ОКГнинг ривожланиши жарроҳлик муолажа ҳажмига боғлиқ бўлди.

Dunhill операцияси ўтказилган беморларда ДТЗ касаллиги рецидиви 10 йил ўтгандан кейин 12 нафар беморда (20,3%) ривожланган. Dunhill операцияси +ҚБИАдан 5 йилдан сўнг 2 нафар беморда (7,4%) ва 10 йилдан сўнг 6 та ҳолатда (22 %) ДТЗ рецидиви кузатилган. Dunhill операцияси ўтказилган беморларда ОКГ ривожланиши 5 йилдан сўнг 16 нафар беморда (27,1%), 10 йилдан сўнг 11 нафар беморда (18,6 %) кузатилди. Dunhill+ИАҚБ

операциясидан 5 йилдан кейин ОКГ 2 нафар беморда (7,4%), 10 йилдан кейин 6 нафар беморда (22,2%) ривожланган. ДТБ рецидиви ривожланиши ва ОКГ частотаси ДТБни даволашда Dunhill ва Dunhill + ҚБИА операцияларида ҚБ тўқимасининг қолдиғига боғлиқ бўлди.

Тиреостимулатор антителоларнинг операциясдан кейинги асоратларнинг ривожланишига таъсири бўйича олинган маълумотларни таҳлил қилдик ва беморларнинг ҳар бир гуруҳидаги мувозанатга қараб тиреостимулятор (анти-р-ТТГ, анти-ТПО, анти-ТГ) титрларининг корреляцион таҳлилини ўтказдик.

ТТ ўтган беморларда ТТГ рецепторларига антителоларнинг миқдори патологик кўпайиш ёки антителоларнинг терминал титрлари кузатилмади. ТТҚБИАдан кейин беморларнинг анти-р-ТТГ миқдорини терминал кўрсаткичлари 13,3% беморларда ва патологик кўпайиши 20% беморларда кузатилди (1-расм).

1-расм. ТТ ва ТТҚБИА ўтказилгандан кейинги анти-р-ТТГ концентрациялари (%) (p<0,05).

Анти-р-ТТГ титрлари операциядан кейин (Dunhill операцияси ва Dunhill+ҚБИА операцияси) ДТБ қайталаниши билан ишончли боғлиқ бўлган (r=0,71 ва r=0,82 мос равишда). Анти-ТПО ва анти-ТГ титрлари баланд бўлганига қарамасдан, касаллик рецидиви билан кучсиз боғлиқлиги аниқланди (r=0,41 и r=-0.61 мос равишда) (2- расм).



2-расм. Dunhill операцияси ва Dunhill+ҚБИА операциясидан кейин рецидиви бўлган беморларнинг анти-р-ТТГ концентрациялари (%) (p<0,05).

Шундай қилиб, ўтказилган корреляцион таҳлиллар ДТБ рецидивининг ҚБ қолдиқ тўқимаси ва антителолар титрига боғлиқлигини кўрсатди.

ХУЛОСА

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун «**Диффуз токсик бўқоқ бўлган беморларда умумий ва субтотал тиреоидектомиянинг яқин ва узоқ муддатли натижалари**» мавзусидаги диссертация иши натижаларига кўра қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Тотал тиреоидэктомия ўтказилган 458 нафар беморда (ҚБ аутотрансплантацияси билан ва аутотрансплантациясиз) жарроҳлик даволашнинг яқин асоратлари сифатида транзитор гипопаратиреоз – 5,4%, турғун гипопаратиреоз – 0,4%, 1,7% беморда овоз бойламлари парези, 0,4% ҳолатда овоз бойламлари фалажлиги ва 0,4% беморда эса қон кетиш аниқланган.

2. ТТ ва ҚБИАТТ ўтказишда ДТБ рецидиви кузатилмаган. Dunhill операциясидан 10 йилдан сўнг ДТБ қайталаниши 27,1% ҳолатда аниқланган. Dunhill+ҚБИА операцияси ўтказган беморларда 5 йилдан сўнг 7,4% нафар беморда ва 10 йилдан сўнг 22,2 % беморда рецидив кузатилган. Рецидив ва ОКГ ривожланиши оператив муолажалар ҳажмига боғлиқ бўлди ва ҚБ натив тўқимаси интраоперацион аутотрансплантациясига боғлиқ бўлмади.

3. ҚБИА билан тотал тиреоидэктомия операциясидан кейин трансплантатга боғлиқ ДТБ рецидивлари кузатилмади. ҚБИА билан Dunhill жарроҳлик амалиётидан сўнг беморларда трансплантатга боғлиқ рецидив 10 йилдан кейин 3,7% ҳолатларда, $p<0,05$) ривожланган. ДТБ рецидиви оператив муолажа ҳажмига боғлиқ бўлди ва у ҚБ тўқимаси аутотрансплантациясига боғлиқ эмас.

4. ТТ, ТТИАЩЖ, Dunhill ва Dunhill+ИАЩЖ операциясини ўтказишда ТТГ рецепторлари, ТПО ва ТГ антитаначалар титри қолдиқ ҚБ тўқимаси ҳажмига ёки ҚБ натив тўқимаси инстраоперацион аутотрансплантациясига боғлиқ бўлди.

5. Тотал тиреоидэктомия ўтказишда ТТГ рецепторларига, ТПО ва ТГ антитаначалар титрининг патологик ошиши кузатилмади, бироқ ҚБИАТТ ўтказишда ушбу кўрсаткичларнинг патологик ортиши аниқланди, бу эса ТТГ рецепторлари, ТПО ва ТГ антитаначалари титрининг юқорилиги оператив муолажа ҳажмига боғлиқ бўлмади ва антитаначалар титрининг юқорилиги фақат ҚБ тўқимасини сақлаб қолинишида кузатилади. Dunhill ва Dunhill+ҚБИАТТ операцияларида ТТГ рецепторлари, ТПО ва ТГ антитаначалар титрининг ортиши сақланиб қолди.

6. Қалқонсимон без натив тўқимаси интраоперацион аутотрансплантацияси операциядан кейинги гипотиреоз ёки касаллик рецидивининг олдини олиш учун самарали эмас ва профилактик хусусиятларга эга эмас.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DsC.27.06.2017.Tib.30.02 ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ИМЕНИ АКАДЕМИКА Ё.Х. ТУРАКУЛОВА

АКБУТАЕВ АЛИШЕР МИЛТИКБАЕВИЧ

БЛИЖАЙШИЕ И ОТДАЛЕННЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ ТОТАЛЬНОЙ И СУБТОТАЛЬНОЙ ТИРЕОИДЭКТОМИИ У БОЛЬНЫХ С ДИФФУЗНЫМ ТОКСИЧЕСКИМ ЗОБОМ

14.00.03 – Эндокринология

АВТОРЕФЕРАТ
НА СОИСКАНИЕ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Tib19.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре эндокринологии им. академика Я.Х.Туракулова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www. ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Исмаилов Сайдиганиходжа Ибрагимович** доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Шагазатова Барно Хабибуллаевна** доктор медицинских наук, профессор
	Худайберганов Шухрат Нурматович доктор медицинских наук
Ведущая организация:	**Ташкентский институт усовершенствования врачей**

Защита диссертации состоится «____»_____2020 г. в ____часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби-2. Тел./факс: (+99871) 150-78-14, e-mail: tta2005@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №____). Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби–2. Тел./факс: (+99871) 150-78-25.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № ____ от «_____» _____ 2019 года).

А.Г. Гадаев
председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева
учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

Д.К. Нажмутдинова
заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы в инфраструктуре эндокринных заболеваний неуклонно прогрессируют болезни щитовидной железы (ЩЖ), обуславливая повышенный интерес к этой проблеме. Суммарная частота различных тиреопатий, даже вне зон зобной энде-мии, составляет не менее 20% общей заболеваемости. В эндемических по зо-бу регионах, эта цифра нередко превышает 50%. В мировом масштабе «...наряду с ростом эндокринных заболеваний наблюдается рост заболеваемостью ДТЗ..»[1]. С нозологических позиций основными формами тиреопатий являются эндемический зоб, узловой зоб, аутоиммунный. В связи с этим изучение ближайших и отдаленных результатов хирургического лечения пациентов с ДТЗ имеют решающее значение в критической оценке состояния, идентификации и местном разрешении, мерах по предотвращению осложнений, ранней диагностике и эффективном лечении.

В мировой литературе имеются ряд работ, посвященных результатам хирургического лечения у пациентов с диффузным токсическим зобом. Атипичное течение ДТЗ и стёртость клинической симптоматики нередко приводит к поздней диагностике и длительному, неэффективному лечению данной патологии. Конечной целью хирургического метода лечения является не только устранение патологического очага, но и восстановление функции органа, полноценная интеграция больных в профессиональную деятельность, повышение качества жизни. Поэтому важными остаются аспекты восстановительного лечения больных с различными послеоперационными неудовлетворительными функциональными исходами.

В республике развитие медицинской сферы является актуальной задачей медицины и благодаря целенаправленному осуществлению изложенных задач, в Постановлении Президента Республики Узбекистан разработан комплекс мер, направленных на «....в целях дальнейшего формирования эффективной и современной системы специализированной эндокринологической помощи, совершенствования мер профилактики и раннего выявления сахарного диабета и других эндокринных заболеваний...»[2], улучшение оказания больным эндокринологической медицинской помощи. Использование инновационных технологий в диагностике заболеваний и оказании качественной медицинской помощи способствует разработке современных методов диагностики и лечения, продлению жизни больных.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам, обозначенным в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики

[1]Ross DS et al. 2016 American Thyroid Association Guidelines for Diagnosis and Management of Hyperthyroidism and Other Causes of Thyrotoxicosis // Thyroid. Volume 26, Number 10, 2016

[2] Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4295 «Об утверждении национальной программы по совершенствованию эндокринологической помощи населению республики на 2019-2021 годы» от 7 мая 2019 года.

Узбекистан» от 20 июня 2017 года, № ПП-2221 «О Государственной программе по охране здоровья матерей, детей и подростков в Узбекистане на 2014-2018 годы» от 1 августа 2014 года, и в других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Настоящее диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологии Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

В мире проводятся ряд научно-исследовательских работ, посвященных эпидемиологии, диагностике, лечению диффузного токсического зоба и его осложнений, основными направлениями которых являются: ведение пациентов с ДТЗ после оперативного лечения; мониторинг заболевания и профилактика осложнений хирургического лечения; оценка комбинированных методов лечения; рекомендовать критерии лечения при диффузном токсическом зобе.

